



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 11-iyun • Payshanba • 70 (30.031) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

«Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий фаолияти халқимиз маънавий-тинчлик пойдеворида қўйилган тамал тошларидан бири бўлиб, юртимизда бундан неча замонлар олдин фундаментал фанларни ривожлантиришга қанчалик катта аҳамият берилганини кўрсатади».

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING

ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН АСОСИЙ ТАНТАНАЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз пойтахти азим Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағиш-лаб мамлакатимизда кенг кўламдаги тайёргарлик иш-лари амалга оширилмоқда.
Халқаро ЮНЕСКО таш-килоты иштирокида ни-шонланаётган бу санага халқимиз ва жаҳон жамо-атчилиги ўртасида қизи-қиш ва эътибор тобора ор-тиб бормоқда.
Шу муносабат билан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини унинг юртимиз ва минтақамиз тарихидаги, ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги туган-ган беҳисб ўрни ва макве-ига муносиб тарзда юқори савияда нишонлаш ҳамда бу тарихий санага бағиш-ланган асосий тантаналар ва оммавий сайилларни чуқур ўйланган дастур асо-сида мазмунли ўтказиш мақсадида:

қабул қилинсин. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги-га бағишланган тантанали мажлис ва байрам концер-тини тайёрлаш бўйича таш-килий-ижодий гуруҳ тарки-би 2-иловага мувофиқ тас-диқлансин.
2. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлаш санасига бағи-шланган тантанали маж-лис ва концерт дастурини 2009 йил 1 сентябрь куни «Ўзбекистон» халқаро анж-уманлар саройида, омма-вий тадбирлар ва халқ са-йилларини эса 2 сентябрь куни пойтахт майдонлари-да ўтказиш ҳақидаги так-лифлар маъқуллансин.
3. Мустиқиллик куни ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрами муноса-бати билан ҳамда аҳоли-нинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, иш вақтидан оқилона фой-

даланиш мақсадида 2009 йил 29 август шанба дам олиш куни 2009 йил 31 август душанба кунига, 2009 йил 30 август якшанба дам олиш куни 2009 йил 2 сентябрь чоршанба кунига кўчирилсин. 29 август шан-ба ва 30 август якшанба кунлари иш куни деб эълон қилинсин.
4. Ўзбекистон Миллий телерадиоканалиси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа омма-вий ахборот воситаларига Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига тайёр-гарлик кўриш ва уни ўт-казиш билан боғлиқ тадбир-ларни кенг ёритиш тасвია этилсин.
5. Мазкур қарорнинг ба-жарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Респу-бликаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2009 йил 10 июнь
И.КАРИМОВ

Анжуман

МИРЗО УЛУҒБЕК ВА ЖАҲОН ИЛМ-ФАНИ

Самарқанд шаҳрида «Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси» мавзусида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди

Президентимиз Ислам Каримов раҳна-молигида аждоқларимиз томонидан яра-тилган маданий-маънавий меросни асраб-авайлаш ва бойитиш, давлатчилигимиз тарихини чуқур ўрганиш, ўзгиртирилиши англаш ва намоен этишга алоҳида эъти-бор қаратишмоқда. Самарқанд шаҳрида ўтган «Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси» мавзусидаги халқаро илмий конференция улуғ аллома-нинг илмий ва маънавий меросини чуқур ўрганишга бағишланди.
Анжуман Ўзбекистон Республикаси Пре-зиденти Ислам Каримовнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Фанлар академияси, Ташқи ишлар вазирлиги, ЮНЕСКО иш-лари бўйича Ўзбекистон Республикаси Мил-лий комиссияси, ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти, Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилди. Унда мамлакатимиз ва Франция, Италия, Россия, Туркия, Япо-ния, Хитой, Эрон, Ҳиндистон, Банглад-еш, Озарбойжон сингари хоржий давлатларнинг етакчи олимлари, юр-тимизда фаолият юритаётган дипло-матик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.
Халқаро анжуман иштирокчилари Мирзо Улуғбек ҳайкали пойига гулчам-барлар қўйдилар. Расадхона ва Улуғ-бек музейи фаолияти билан танишди-лар. Қадим Самарқанднинг Шоҳи Зин-да, Гури Амир, Регистон сингари му-аззам обидалари хоржилик меҳмон-ларда катта қизиқиш ва ҳайрат уйғот-ди. Конференция қатнашчилари истик-лол йилларида Самарқанд шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ва обо-донлаштириш ишларига юксак баҳо бердилар.
Халқаро илмий конференцияни Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов очди. Тадбирда ўзбек халқ-ининг бой давлатчилик тарихи, улкан ил-мий ва маданий мероси хусусида сўз юри-тилди. Биринчалик Миллатлар Ташкилоти 2009 йили «Халқаро астрономия йил-и» деб эълон қилгани, бу фан ривожига бу-юқ ўзбек қисми олимлари Мирзо Улуғбекнинг беиззоб ҳиссаси борлиги алоҳида таъкид-ланди.
Хар бир халқнинг маънавий қиёфасини унинг тарихи, миллий салохияти, урф-одат ва анъаналари белгилайди. Бу борада юксак илмий мероснинг ўрни ва аҳамияти

беҳисбдир.
Шарқ ва Ғарбни ўзаро боғлаган, Буюк ипак йўлидаги турли цивилизациялар қа-дам ва бетакрор юртимиз азаддан олму ула-молари, фозилу фузалолари, шоиру ша-роилари билан доврқ қозонган. Она зами-нимизда тугилиб, камолга етган улуғ ал-ломалар дунёвий ва диний илмлар тарақ-қитига улкан ҳисса қўшганлар.
Буюк бобларимиз тафаккури ва даҳоси маҳсули бўлмиш минглаб асарлар, тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳа-ларга оид ноб қўлэмалар бизнинг бе-бахо маънавий бойлигимиздир. Юртбо-шимиз таъбири билан айтганда, бундай бой меросга эга бўлган халқ дунёда кам-дан-кам топиллади.

Ўнлик санок системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фан соҳасига жорий этган Му-хаммад Мусо Хоразми, Европада Ал-Фраганус номи билан машҳур бўлган Аҳмад Фарғоний, қомусий тафаккур соҳиб-и Абу Райҳон Беруний, меди-цина фанининг отаси саналган Абу Али ибн Сино, араб тили грамматика-сини мукаммал тарзда ишлаб чиқ-қан Маҳмуд Замаҳшарий, ўзида мингдан зиёд юдузлар ҳаракатини ҳаммаган астрономик жаҳвал ярат-ган Мирзо Улуғбек сингари дунё ахлини ҳайратга солган улуғ мута-факкирларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Бундай юксак ифтихор туйғуси бизни ҳеч кимдан кам бўлмаган халқ сифатида ифтихор билан яша-шга, аждоқларга муносиб авлод бўлишга дав-ват этади.

Мирзо Улуғбекнинг умумбаشارий қад-риятларга қўшган ҳиссаси беҳисб бўлиб, у бугунги кунда ҳам ҳаётимизда улкан аҳамият касб этмоқда ва Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини ошириш йўлида катта хизмат қилмоқда, деб таъкидлайди Пре-зидентимиз. Буюк аждоқимиз Улуғбек номи берилган маънавий масканлари, кўчалар ва шаҳарлар жуда кўп. Юртимиз-да дунёга кўз очаётган хар ўн чақалоқ-нинг бирига эзгу ният билан Улуғбек-нинг исми берилаяпти, деб айтсак, му болаға бўлмайди.

ХОНОБОД ГЎЗАЛЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ОҒУШИДА

Бу гўшага бир келинг, мусаффо ҳавосидан роҳатланасиз, меҳмондўст, меҳр-оқибат-ли одамлари суҳбатидан лаззатланасиз

Манамаман деган моҳир расом ҳам Хонободнинг гўзал манзараси — турфа дов-дарахтлари, ажиб боғ-роғлари, гулзорлари, ша-рақлаб оқаётган сойи, зи-лол сувли булоқларини ас-лида чизолмай доғда қолади. Меҳнаткаш, меҳ-мондўст одамларини айт-майсизми...
Ҳамма-ҳаммаси ўз номи-га муносиб. Айниқса, му-стақиллик йилларида бу ерда ҳам кўп ўзгаришлар, янгиланишлар бўлди. Аҳо-ли турмуши, фаровонлиги-га алоҳида эътибор қар-атилмоқда. Одамлар ёруғ орзу ҳаваслар билан яша-моқда. Тўғриси, ана шун-дай бир гўзал, тоза-поки-за, осуда гўшада яқинда четдан келган ғаламислар томонидан содир этилган



Авастхон ТОШМАТОВ олган суратлар.

ла-қўй жамулжам бўлди. Узоқ-яқиндан меҳмонлар келди. Тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат қудратини ҳис қилдик.
— Корхонамиз Хонобод-ни фаҳри ҳисобланади, — дейди «Андижонкабель» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси касаба уюшма кўмитаси раиси Шавкатбек Мамадалиев. — Янги ишчи ўринлари яра-тишга, ишчи-хизматчилар-нинг ижтимоий ҳимоясига жиддий эътибор берилаят-ти. Халол меҳнат қилган одам шунга муносиб фаро-вон яшashi керак. Бу — бизнинг широмиз.
Ким билан суҳбатлаш-майлик, уларнинг гап-сўзидан шундай гўшада, шундай юрда яшаётгани-дан фаҳр-ифтихор туйғула-ри сезилиб турибди. Мам-лакатимиз раҳбари олиб бораётган сиёсатдан мам-нун эканликларини тақрор-тақрор айтишди.
Меҳнат фаҳрийси Абду-расул ака Каримов ҳам ях-шиликдан сўз очди: —

Эртага ўғлим Азизбек-ни н г ўртоғи Фарҳод-жоннинг н и к о х т ў й и . Фарҳод-жоннинг да да с и Ш а ҳ о-биддин дўстим эди, Оламдан ўтган. Унинг руҳини шод этиш учун эр-тароқ бориб кўмаклашаман. Сизларни ҳам тўйга таклиф қиламан.
Яшилликка бурканган шаҳар хиёбони йўлида аравачада фарзандини сайр қилдираётган мунис она, хиёбондаги ўрин-диқда ширин суҳбат қураётган дугоналар, мактабга имтиҳон топ-ширини бораётган ўқув-чилар, «Соҳил» чойхона-сида бир пиёла чой ус-тида гурунглашаётган отахонлар, замонавий

бунога гишт қўётган қурувчилар... Ҳамманинг кўнглида яратиш, яшаниш иштиёқи, тинчликка бўлган шўқроналик му-жассам. Барчамиз учун азиз бу Ватани авайлаб-асраш, ободу фаровон этиш бурчимиздир. Хонободликлар ана шундай эзгу ниятлар билан яшаб, меҳнат қилишмоқда.

Аҳмадҷило СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири. Суратларда: Хонободнинг бугунги манзаралари.

воқеа одамларнинг ҳақ-ғазабини келтирди.
— Эзгу ният, олижаноб мақсадлар билан тинч-то-май яшаётганимизни кўрол-майидиган гаразли кимса-лар бор, — дейди «Нуро-ний» жамғармаси Хонобод шаҳар бўлими раиси Аб-дубурхон Юнусов. — Шун-нинг учун хар доим хушёр ва огоҳ бўлишимиз керак-лигини ҳаёт кўрсатиб ту-рибди. Ўз уйимиз, ўз гўшамизни ўзимиз асра-шимиз зарурлигини ан-глаб туришимиз. Буни одам-ларга тушутираймиз.
— Ватан — инсоннинг

киндик қони тўкилган му-қаддас макон, — дейди ЎзХДП фаоли Йигитали Холиқов. — Ўзини шу азиз юртининг фарзанди ҳисоб-лаган хар бир киши унинг тинчлиги, фаровонлиги учун ўзини аямаслиги ке-рак.
Тинчлик ва осойишта-ликнинг қадрига етган киши уни асрашни ҳам билади.
Яқинда Фозилмон ма-ҳалласида яшовчи Тошбой Сотволдиев тўй қилди. Ўғлини уйлантирди. Маҳал-

ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти

Кўппартиявийлик шароитида Ўзбекистон ХДП ўз макёини янада мустахамлаш, нуфузини ошириш, дастурий мақ-садларини рўёбга чиқа-

кўринишлари орқали уларнинг партия ташки-лотлари ишида нечоғли фаол қатнашаётганликла-ри намоен бўлди.
Танловда Термиз банк

ҲАР СОҲАДА ФАОЛ

Йигит-қизлар сиёсий билимларини синодан ўтказди

ришда ёшларга катта умид боғлайди. Ўтган йилдан буён партия тизимида ёш сиёсатчи танловининг ўтказиб келинаётгани ҳам бунга далил бўлади.
Термиз шаҳрида тан-ловнинг вилоят босқичи ўтказилди. Иштирокчилар турли шартлар бўйича беллашдилар. Уларнинг, айниқса, депутатликка номзод сифатидаги чи-қишлари ҳакамлар ва то-мошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Ёш сиё-сатчилар томонидан на-мойиш этилган партия фаолиятига оид саҳна

коллежи талабаси Аваз-бек Омонов голиб бўлди.
— Бугунги кун ёшлари хар соҳада фаол бўлмоқ-лари зарур, — деди у. — Ҳаётда ўз ўрнини топиш хар бир ёшнинг орзуси. Мен ҳам шу партия сафи-да Ватанимиз, юртимиз ривожига ҳисса қўшмоқчи-ман.
Тадбирнинг бир гуруҳ фаол иштирокчилари ви-лоят партия кенгаши фаҳ-рий ёрлиги ва совғалари билан тақдирланди.
Курбон ЖўРАНАЗАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Тахририятга жавоб келди РЕКЛАМА ПЛАКАТИ ОЛИБ ТАШЛАНДИ

Газетамизнинг 2 июнь сониди чоп этилган «Номзодларга овоз бериш қачон бошланади?» сар-лаҳали мақолада сайловолди тарғибот ишлари бошланмаган бўлса-да, Чорсу майдонида ном-зодларга овоз беришга даъват қилувчи рек-лама баннери борлиги маълум қилинган эди. Яқинда мақолада кўтарилган масала юза-сидан жавоб мактуби олдик. Унда жум-ладан шундай дейилган:

зотат қилмаган «Гранд Дизайнер» фирмаси раҳбариятининг ҳам ай-бидир.
«Гранд Дизайнер» фирмаси раҳбарияти томонидан 2009 йил-нинг 2 июнида тезкор чоралар кўрилиб, ушбу плакат олдириб ташланди ва ўрнига «Иқтидорли ёшлари-миз» мавзусидаги иж-тимоий реклама ўрна-тилди.
Бошқа бундай факт-лар қайтарилмаслиги учун «Гранд Дизайнер» фирмасининг техник ходимлари билан ало-ҳида йиғилиш ўткази-либ, керакли чоралар белгилаб олинди.
«Гранд Дизайнер» фирмаси директори Б.Ю.ИСМОИЛХОДЖАЕВ

«ЎзЛиДеП» партияси-нинг плакатлари охи-ри сайловларда қатна-шган бошқа сиёсий партияларнинг плакат-ларидек Тошкент ша-ҳрида жойлаштирилган бўлиб, охириги сайло-лар тугагач, барча пла-катлар олиб ташланган. Лекин техник ходимлар «ЎзЛиДеП» партияси-нинг плакати устидан бошқа плакати ўрнатиб кетишгани учун «ЎзЛиДеП» партияси-нинг ушбу плакати бе-килиб қолиб кетган экан.

2009 йилнинг майда шамол туйфайли реклама конструкциясида турган плакат йиртилиб кетган-лиги туйфайли «Гранд Дизайнер» фирмасининг техник ходимлари йир-тилган плакати ечиб олишган. Аммо тағидаги ўша «ЎзЛиДеП» партия-сининг охириги бўлиб ўтган сайловолди плака-ти жой бўш эмас экан-ку, деб қолдириб кетил-ган.
Албатта, бу нафақат техник ходимларнинг, балки улар ишини на-

«Тахририятдан: «Гранд Дизайнер» фир-маси масала бўйича тезкор чоралар кўриб, бундан тахририятимизни хабардор қил-гани учун миннатдорчилик билдираемиз.
Демак, каттами-кичикми ўз вази-фамизга ҳам, плакатларга ҳам, айниқса, ша-молларга ҳам эътиборли бўлишимиз керак экан...»

«Давоми 2-бетда»
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

• ТЕНГ ҲУҚУҚЛАР, ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАР
2

• ХУФИЯ ЦЕХ ВА ПОРАХЎРЛИК ОҚИБАТИ
3

• «БОЛАЛАР КУЛСИН ДУНЁДА»
4

ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарида ПАРТИЯГА ИШОНЧИМ ОРТДИ

унинг ёрдами билан меҳнат, турмуш фаолитим янада яшшиланди, — дейди жазоҳлик Форуза РИХСИЕВА

Жиззах шахрининг Олмазор маҳалласида истикомат қилувчи Форуза кичик қорхонада ишлаётганди. Қорхона фаолияти тугатилган, у ишсиз қолди. Мутахассислиги бўйича иш қидира бошлади. Шу орада Халқ демократик партиясининг шаҳар кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига муносабат қилаётган фуқароларга амалий ҳамда ҳуқуқий ёрдам кўрсатилаётгани ҳақида эшитиб, у ерга боришга қарор қилди.

сиёсий партиянинг борлигидан хурсандман, — дейди у. — Бу партияга нисбатан ишончим ортди ва ўз ўрнини ана шу партия сафида кўришни истайман.

У ЎзХДП сафида қабул қилишларини сўраб ариза ёзди. Бугун партиянинг Дастурда белгиланган асосий мақсад ҳамда вазифаларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

— Утган йили Жамоатчилик қабулхонамизга 48 та ёзма ва оғзаки муносабат бўлди, — дейди шаҳар партия кенгаши раиси Носиржон Сиддиков. — Талаб ва сўровларнинг ҳеч бири ҳам бефарқ қарамади.

Масалани жойида ечишга, муаммони имкон қадар ҳал этишга ҳаракат қилдик. Натижанда одамлар бизга ишонча бошладилар. Тегишли ёрдам ёхуд маслаҳатлар олиш учун Жамоатчилик қабулхонасига келувчилар сони ортиб бораётган.

Жамоатчилик қабулхонасининг эшиги хамиша очик. Ҳар куни партия фаоллари, депутатлар иштирокида навбатчилик йўлга қўйилган. Ҳал этилиши кийин кечаётган масалалар тегишли тартибда мутасадди ташкилотлар, муассасалар эътиборига ҳавола қилинапти. Бу борада бошланғич партия ташкилотлари, депутатлар, фаоллар кўмағидан, депутат сўрови сингари таъсирчан воситалардан самарали фойдаланилмоқда. Буларнинг барчаси фуқаролар орасида партиянинг нуфузи ошишига, сиёсий куч сифатида унинг тарафдорлари сафининг кенгайишига сабаб бўляпти.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

1994 йилда Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик таваллуди халқаро миқёсда кенг нишонланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1994 йил «Улуғбек йили» деб эълон қилинди. Аллома юбилейи муносабати билан Франция пойтахти Париж шаҳрида — ЮНЕСКО қароргоҳида бўлиб ўтган халқаро форумда иштирок этган мамлакатимиз олимларининг илмий маърузалари дунё ҳамжамияти эътиборини тортди.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида Улуғбек илмий меросини ўрганиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аллома яшаган давр, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги китоблар, илмий мақолалар, бадий асарлар ёзилмоқда. Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи», «Илму нухум. Астрология» асарлари нашр этилди.

Тарихчи олим А.Аҳмедовнинг «Урта асрларнинг буюк алломаси», «Улуғбек Мухаммад Тарагай», «Мирзо Улуғбек ва унинг «Тарихи арба улус» асари ҳақида», У.Ува тов ва Ф.Каримовнинг «Амир Те Мур ва Улуғбек замондошлари хориқасида» китоблари нашрдан чиқди. Академик Б.Валиқўжаевнинг «Мирзо Улуғбек даври мадрасалари» рисоласи ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

«Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий фаолияти халқимиз маънавиятининг пойдеворида қўйилган тамал тошларидан бири бўлиб, юртимизда бундан неча замонлар олдин фундаментал фанларни ривожлантиришга қанчалик катта аҳамият берилганини кўрсатади. «Зижи жадиди Қўрагоний» деб номланган Улуғбек астрономик жадвали ўрта асрларда лотин тилига таржима қилиниб, Европа олимлари орасида кенг тарқалган фикримизнинг яққол исботидир», деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари ўзининг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарид.

Буюк аллома яратган Самарқанд илмий мактаби фақат олий ўқув юртигина эмас, ўша даврнинг академияси эди. Бу илмий мактабда 200 дан ортки олим фаолият юритган. Улуғбек Мухаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абул Аббос Жавҳарий, Холид Марваррудий, Аҳмад Марвазий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний сингари болларимизнинг илмий анъаналарини давом эттирди.

Шарқ мамлакатларидаги илмий анъаналарга кўра, фалакиёт соҳасида яратилган асарлар «Зижи» деб аталган ва улар асосан жадваллардан иборат бўлган. Улуғбек илмий меросининг гултожи — унинг «Зижи» идир. «Зижи Улуғбек»,

«Зижи жадиди Қўрагоний» номлари билан шухрат қозongan бу асар фалакиёт илмининг назарий ва амалий масалаларини қамраб олган дурдона асардир.

«Зижи» икки бўлимдан: кенг муқаддима ва 1018 соҳита юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган жадваллардан иборат.

МИРЗО УЛУҒБЕК ВА ЖАҲОН ИЛМ-ФАНИ

Мулқаддимнинг ўзи тўрт қисми ташкил қилади. Биринчи қисм тақвим масалаларига бағишланган. Бундан ташқари, ушбу қисмда Туркий муҷал йиллари ҳақидаги тушунча ҳам муфассал баён этилган.

Муқаддиманинг иккинчи қисми 22 бобдан иборат. У асосан математика ва сферик астрономия масалаларига бағишланган. Бу қисмда юлдузларнинг баланглиги ва улар ўртасидаги масофа, меридиан чизиги, узунилик ва кенглики ўлчаш йўллари кўрсатилган. Учинчи қисмда Қуёш ва Ой тугилишининг аниқ вақтлари ва уни аниқлашнинг ўтмишидаги ва Улуғбек давридаги йўллари кенг таҳлил қилинган. Олим қуёш ва ойнанинг ҳаракатини тўғри ҳисоблаган ва бу ҳисоб-киتاب ҳозирги ҳисоб-китабдан деярли фарқ қилмайд.

матик асар бунчалик оммавий ва кенг маълум бўлмаган.

Конференцияда сўзга чиққан халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар вакиллари, олимлар Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида миллий маънавиятимизни юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, буюк аллома меросини ўрганишдаги йўтуқлар ҳақида, Улуғбекнинг жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссаси хусусида гапирдилар.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хорхе Эспинал қадимий Самарқанднинг инсоният цивилизациясида тутган ўрни ва аҳамияти, Мирзо Улуғбекнинг дунё илм-фанига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида сўз юритди. Улуғбек раҳнамолигида бунёд этилган расадхона ва мадрасалар Мирзо Улуғбекнинг мероси рўйхатида киритилган. У яратган илмий мактаб Хоразм Маъмур академияси аъёнларининг йўғун давомчиси сифатида улкан аҳамиятга эга. Бугунги кунда ҳам Самарқанд маданиятлараро мулоқот ва халқаро ҳамкорлини кенгайтиришга бекиёс ҳисса қўшмоқда. Президент Ислоҳ Каримовнинг барқарор тараққиётни таъминлашга, жумладан, илм-фан, маданият, таълимни ривожлантиришга қаратилган сиёсати ўзининг юксак самараларини бермоқда. Юксак илмий салоҳият, сиёсий барқарорлик, ёшларга қаратилаётган алоҳида эътибор Ўзбекистон тараққиётининг бosh омилидир.

Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти ташкил этилди. Улуғбек мактаби аъёнларининг давом эттириладиган маъмур институт халқаро илмий алоқаларни янада ривожлантиришга, энг илғор фан йўтуқларини тарғиб этишга ҳизмат қилади.

Париждаги Теурийлар жамяти асосчиси, профессор Фредерика Брессан Мирзо Улуғбекнинг илмий ва ижтимоий фаолиятига тўхтади. Мирзо Улуғбек буюк бобоси сингари мамлакатда тинчлик ўрнатди,

юрт фаровонлигига алоҳида эътибор қаратди. Мадраса ва масжидлар, расадхона, кўприк ва йўлар қурди.

Хорижий меҳмонлар Ўзбекистонда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига юқори баҳо берди. Самарқанд нафақат кўхна, балки замонавий шаҳар, илм-фан ва саноат маркази сифатида ҳам қадимий анъаналарини давом эттирмоқда. Мамлакатдаги осойишталик, халқнинг фаровон турмуши, одамларнинг очик чеҳраси, эртанги кунга ишончи диккатга сазоворлиги қайд этилди.

Халқаро анжуманда Ўзбекистон Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими, профессор А.Аҳмедов, Астрономия институти директори Ш.Эгамбердиев ва бошқалар Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига тутган ўрни, илмий меросини ўрганишининг ютуқ ва истиқболлари, Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимиз меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритди.

Халқаро конференцияда Мирзо Улуғбек даврида олий таълим, мадрасалар ва уларда ўқитиш тизими масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондлари ҳамда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг илмий кутубхонасида сақланаётган қадимги қўлёзмаларга қараганда, Самарқанд мадрасаларида математика, механика, астрономия, тиббиёт, фалсафа сингари дунёвий фанлар, шунингдек, диний фанлар кенг ўқитилган. Мирзо Улуғбек мадрасасида Гибсиддин Жамшид Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи сингари буюк алломалар доир берган.

Конференция доирасида Улуғбек мадрасасида Ўзбекистонда таълим тарихига бағишланган кўргазма ташкил қилинди. Унда таълим тарихи, Амир Те Мур ва Мирзо Улуғбек даври, XIX-XX асрлардаги таълим ҳақидаги экспозициялар намойиш этилди. Бунда, айниқса, мамлакатимизда истиқлол йилларида таълимни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларга бағишланган стендлар катта қизиқиш уйғотди.

Анжуман ўз ишини секция мажлисларида давом эттирди. Уларда Мирзо Улуғбекнинг олим ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятининг барча жиҳатлари, илмий меросини янада чуқур ўрганиш имкониятлари батафсил муҳокама қилинди.

Халқаро илмий конференциянинг очилишида Самарқанд вилояти ҳокими У.Барноев иштирок этди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбири.

ЎзХДП ҳаёти СОҒЛОМ АЁЛ — СОҒЛОМ АВЛОД ГАРОВИ

Кунини кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Шайхонтоҳур туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ва туман қасаба уюмаси ҳамкорлигида «Белтепа» спорт комплексида аёллар ўртасида шашка бўйича мусобақа уюштирилди.

Хотин-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аёлларни диний оқимлар таъсиринан сақлаш масалалари алоҳида эътиборимизда, — дейди туман партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Шахноза Қосимова. — Қолаверса, уларнинг ҳаётидаги ўрнини мустақамлаш, ҳуқуқий, тиббий, маънавий билимларини ошириш борасида тadbирлар ўтказиб келаямиз.

масалалари Жамоатчилик қабулхонасига келган муносабатлар асосида туман Бандликка қўмақлашиш маркази билан ҳамкорликда ижобий ечим топмоқда. Шунингдек, туман партия кенгаши томонидан соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ислохотларни амалга ошириш жараёнига аёлларни кенг жалб этиш мақсадида тегишли ташкилотлар, вакиллари, мутахассислар, депутатлар иштирокида учрашув, давра суҳбатлари уюштирилмоқда.

Қизиқарли ва дўстона ўтган мусобақада Моҳира Юсупова ғолиб бўлди. Насиба Раҳимжоновна иккинчи, Севара Дўсмуродова учинчи ўринни эгаллади. Иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Мулоқотда бўлиш имконини ҳам беряпти. Ногирон, муҳтож, дардманд кишиларга яхши муносабат, уларни қўллаб-қувватлаш, ёрдам бериш халқимизнинг азалий қадриятларидан бири. Аммо лойиҳа ходимлари, мутахассислар ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида жамятининг ногиронлар билан муносабатиде турлича қараш ва қўллаб-қувватлаш ҳам дуч келди.

Аёлларни иш билан таъминлаш

(Ўз мухбиримиз)

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎзХДП: электротар манфасати

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорликда амалга ошираётган ACCESS лойиҳасининг фаолиятига бир йил бўляпти.

Мазкур лойиҳа ногиронларнинг барча билан баробар ҳаётини фаолият муҳитига кириши, иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва фуқароликни англаш масалаларига эътибор қаратади.

Утган давр мобайнида ҳамкорлар — халқаро, нодавлат нотижорат ташкилотлар, қўмита ва вазирликлар иштирокида қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, лойиҳа мақсадидаги хизмат қилувчи ташкилотлар вакиллари билан бирга ишларни Идораларро Лойиҳани Мувофиқлаштирувчи Кенгаш (ИЛМК) фаолият юритмоқда.

ИЛМК минтақавий ички гуруҳларининг ногирон инсонлар меҳнати, мақбул ҳаётини фаолият муҳити ва ижтимоий Ҳимоясига қаратилган биргаликдаги режалари ҳокимиятлар томонидан тасдиқланиб, амалга оширилмоқда. Тажриба шахарлари — Ташкент, Самарқанд, Шахрисабзда ногиронлар кириши ва беамалол ҳаракатланиши юзасидан ўттиздан зиёд жамоат бино ва иншоотларида мониторинг олиб борилди.

Биринчи кўрсаткичлар базасида иш қидираётган ногирон инсонларнинг ишга жойлаштириш имкониятини кенгайтириш учун клуб ишляпти. Шунингдек, бу клублар дарддош, қисматдош кишиларга бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ўзаро

мулоқотда бўлиш имконини ҳам беряпти. Ногирон, муҳтож, дардманд кишиларга яхши муносабат, уларни қўллаб-қувватлаш, ёрдам бериш халқимизнинг азалий қадриятларидан бири. Аммо лойиҳа ходимлари, мутахассислар ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида жамятининг ногиронлар билан муносабатиде турлича қараш ва қўллаб-қувватлаш ҳам дуч келди.

Масалан, Вазирлар Маъжмасынинг 2008 йил ноябрь ойидаги Ногирон инсонлар ҳақидаги информатсион кампания ўтказиш ҳақидаги баённома-си асосида бир неча катта шахарларда реклама баннерлари ўрнатиш ва плакатлар тарқатиш лозим бўлди. Реклама баннерларидан бирида ногирон боласидан воз кечмай уни ардоқлаб тарбия қилаётган, ҳаёти учун қўрашаётган оила акс этиши лозим эди. Биронта ота-она суратга тушишга рози бўлмади. Бу сюжет уни кўрган одамларни мулоҳазага чорлаши ҳақидаги тушуниришлардан сўнг бироз ён босишди: «Майли, боламизни олаверинг, лекин биз ёнида туриб суратга тушмаймиз». Шундан сўнг ота-она «ролинг актрларлар таклиф этилди. Сурат мазмунини эшитган актёрлар ҳам, яхшигина пул таклиф қилинганига қарамасдан, «ролинг катъий рад этидилар. Ниҳоят, кўп излашлардан сўнггина ногирон боласи билан суратга тушишга рози бўлган оила топилди.

Атрофдагиларнинг ногиронларга муносабатининг яна бир кўриниши — бундай кишиларга гоҳида ачинаш билан қарашдир. Имонияти чекланган кишиларнинг



Ўзлари буни қандай қабул қиладилар?

Нозокат — ишбилармон ногирон аёллар Миллий ассоциацияси қошида клуб аъзоси. У шу клубда ҳунаро ўрганди. Нозокат тиккан чойнак ёпқич, елпигич қабз зардўзлик маҳсулотларининг ўз харидорлари бор. Таъни-билиш, кўни-қўшни, сеп тайёрлаётган бўлғуси келинлар унинг қўлидан чиққан бу бежирим буюмларга ҳавасманд. Оғир касалликдан кейин бир йил тушакка миҳланган қиз худди ёш боладек юришни ўрганди, ҳозир ҳам ҳаракатда киналади. Аммо барча оила аъзолари қатори уйрўзгор юмушларини бажаради. Байрам ва туғилган кунларда қизлар учун совға Бир гал Мукамбар онаси билан «Туркистон» саройидан концертдан чи-

ниш уйғотиб, қандайдир совға-салом олиш ичинда таклиф қилаётганим йўқ.

— Ҳеч ким менга ачинаш билан қарамасин, мен ўзимни ушим таъминлаётган, тенг ҳуқуқли инсонман, — дейди Мукамбар биз билан суҳбатда.

Гап орасида у клубнинг ҳафтасига икки марта ўтказилаётган машғулотларига тақсиди қатнашини айтди.

— **Автобусда юрмай, йўл харжини кўпроқ сарф қилишимга сабаб, биринчидан, жамоат транспортларининг бариси ҳам аравачалар чиқиб-тушишга мослашмаган. Иккинчидан, аравачам билан кирсам, тикилинич транспортдагилар менга қандай қарашаркин, деб тортинаман.**

ТЕНГ ҲУҚУҚЛАР, ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

ногирон инсонлар ижтимоий фаоллигининг асосий омилдир



ИНСОНЛАР ХАР ХИЛ ЛЕКИН УЛАР ТЕНГ

қиб, қоронғу тушган пайт такси тўхтатишди. Ҳайдовчи аравачадаги ногиронни кўриб, индамай-нетмай гази босиб, нари кетди. Яхшиямки, концерт пайтида хизматда бўлган милиция ходимлари келиб қолишди. Улар она-қизга йўллари бир эканини айтишди. Бирга кетишди, милиционерлар аравачани автобуста ўзлари чиқариб-тушириб қўйдилар...

Дарҳақиқат, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғриси- ситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш кўзда тутилган.



даги Қонун билан уларнинг таълим олишлари, меҳнат қилишларининг ҳуқуқий асослари ярати-лиши билан бирга ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириши, транспорт-дан, алоқа ва ахборот во-

кишиларга муносабатининг мавжуд қолиплари ва уларни бартараф этиш, мавзу юзасидан оммавий ахборот воситаларида ёритилаётган материаллар ва уларнинг таҳлили, ногиронлар билан муносабатда этика масалалари ACCESS лойиҳасининг навбатдаги тadbiri — журналистлар учун «Ногиронлиқни тушунишга ижтимоий ёндашув» ўқув-семинарида ўз аксини топди.

Шуниси диккатга сазоворки, дастур тре-

зудан хабардорлигини янада ошарди. Сирасини айтганда, ACCESS лойиҳасининг барча тadbирларида ногиронлар иштироки асосий омиллардан бири бўлмоқда.

— Журналистлар учун семинар-трениннинг дастурга киритилиши беэз эмас, — дейди лойиҳанинг хабардорлики ошириш бўйича мутахассиси Нозила Мухамедова. — Зеро, ҳар қандай янгилик энг аввало ОАВда акс этади. Шунингдек, ногиронларнинг ўз ҳуқуқларидан тўла фойдалана олмасликларининг энг кўп учрайдиган сабабларидан бири — уларнинг ўзлари учун яратилган шароит ва имкониятлардан хабардор эмаслигидир. Бу ўринда ҳам айнан ОАВнинг аҳамияти бекиёсдир.

Тренинг иштирокчилари ўқув машғулотлари уларнинг ногиронлиқ табиий ва ижтимоий модел сифатидаги қарашларини ўзгартирилди, ўзлари учун янги мавзулар белгила-ганликларини таъкидла-дилар.

— Инсонлар ҳар хил, лекин улар тенг. Ногиронлар ҳам жамятининг тенг ҳуқуқли аъзолари. ACCESS лойиҳасининг асосий мақсади ҳам шу фикрни жамят онгига янада чуқурроқ сингди-риш ва уни амалга оширишда кўмакла-шишдир.

Шарофат Йўлдошева,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қайси соҳада бўлмасин, юртдошларимиз эришяётган ютуқлар билан фахрланамиз, албатта. Қуни кеча «Тошкент ёғ-мой комбинати» ОАЖ қўшма корхонаси республикада биринчи бўлиб озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича ISO 22000 халқаро стандартларга мувофиқ сертификат аудит текширувидан ўтди.

Мазкур корхонанинг мутахассислари билан бўлиб ўтган якуний учрашувда «SERT-Management» сертификация бўйича органи вакили И.Инилеев мазкур сертификатнинг берилиши корхона маҳсулотларининг нафақат республикамизда, шунингдек, жаҳон бозоридида рақобатбардошлигини кафолатлайди ва ташқи бозорга чиқишини тезлаштиради, деб таъкидлади.

бекум қўст бажаришга эришиш учун астойдил ҳаракат қилишди. «ММКС» бош директорининг етакчи эксперти Алина Петичен-

дарт агентлиги» лойиҳаси раҳбари Жорж Молак: «Лойиҳани амалга оширишда бу корхонани танлаб адашмаганимизга яна бир бор амин бўлдик», деди. Зеро, Ўзбекистонда лойиҳа доирасида стандартиштириш, маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолаш, халқаро стандартлаштиришни жорий этиш, метейрий-хуқуқий базани уйғунлаштириш соҳаларида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, лойиҳа экспертилари томонидан сертификатлашга тайёрланган

ган эди. Бу эса, табиийки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ҳамда ишлаб чиқариш барқарорлигининг кафолати саналади.

«Тошкент ёғ-мой комбинати» давр талабига, технологик жараёнларни такомиллаштиришга, маҳсулот сифатини оширишга, истемолчи талабини ўрганишга тайёр эканини намойён қилди. Кейинги йилларда корхона қўлга киритган кўп сонли халқаро мукофотлар фикримизнинг тасдиқидир. Комбинат 2005 йил Женевада «Иш амалиётида юқори сифат учун» халқаро фонд томонидан берилган Олтин медал, 2008 йил Парижда топширилган «Технология ва сифат учун» олтин тамагасига сазовор бўлди.

Хорижий инвестицияга эга «Тошкент ёғ-мой комбинати» ОАЖ қўшма корхонасида бугун мингга яқин мутахассис юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, уни мамлакатимиз аҳолиси ҳамда хорижга чиқаришга жалб этилган. Корхона ҳар йили 50 тоннага яқин халқаро сифат талабларига жавоб берадиган «Моя мечта» марказидаги озик-овқат (ўсимлик ёғи, маргарин, майонез) ва турли саноят-техник маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Бу маҳсулотлар истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжини қондирибгина қолмай, республикамизда бу борада олиб борилаётган ихсолотлар меваси сифатида барчани мамнун этади.

Рустам БОЙТЎРАЕВ

ТАЛАБ — ЖАҲОН АНДОЗАСИ, НАТИЖА ҲАМ...

кониинг таъкидлашича, лойиҳани амалга ошириш давомида корхонанинг юқори самарали имкониятларидан ўринли фойдаланилди. Бу корхонада ишлаб чиқарилаётган озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигининг халқаро микёсда рақобатбардошлигини таъминлади. Зеро, ҳозир бугун дунё ҳамжамияти алоҳида эътибор қаратаётган ўта муҳим кўрсаткичлардан бири шудир. Бунда мутахассисларнинг юқори малакаси алоҳида аҳамият касб этади.

Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган «Институциональ ривожланиш Ўзстан-

учта корхона танлаб олинди ва сертификация органлари аниқланди. Шу тарихда танлаб олинган лойиҳа иштирокчилари консултантлар ва сертификация органларининг ишончини тўлиқ оқлади.

— Сертификация аудит текшируви, — дея изоҳлади Ж.Молак, — «Тошкент ёғ-мой комбинати»нинг бу соҳада фаолият юритаётган Европа корхоналари билан ҳар томонлама рақобатлаша олишини тасдиқлади.

Таъкидлаш жоизки, 2008 йил комбинатда ISO-9001 халқаро стандартига мувофиқ сифатни бошқариш тизими жорий этил-

киши сабаблари, илди-лари, турлари, кўринишлари ҳужжатлар, аниқ далиллар асосида тарихий ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан чуқур таҳлил этилгани билан эътиборни тортади. Киритиб «Терроризмнинг пайдо бўлиши», «Замонавий терроризм глобаллашувининг ўзига хос хусусиятлари», «Халқаро терроризм ташкилотлари фаолиятининг таҳлили», «Терроризмнинг халқаро ва миллий хавфсизликка таҳдиди» каби қисмларида кўпчилик маълум бўлмаган манбалар, фикрлар, хулосалар билан танишасиз.

Шунингдек, терроризмга қарши курашишда Ўзбекистон фаол иштирок этаётгани тўғрисидаги мисоллар ва фикрлар китоб аҳамиятини янада оширади.

Ушбу китобни ўқиган ҳар бир киши терроризм ва унинг қонли тарихи, хавф-хатари тўғрисида янада кенг-роқ маълумотга эга бўлиши шубҳасиз.



одам, огоҳ одам алданмайди, ёт голяр тасрига тушиб қолмайди. Кейинги йилларда дунёда терроризмнинг келиб чиқиши, мақсади, инсоният бошига солган кулфатлари тўғрисида кўплаб ҳужжатли ва бадиий фильмлар, китоблар яратилди. Бу борада республикамизда ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Матбуот, нашриёт, телевидение, маданият ва санъат, хусусан, кино соҳасида бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳуқуқшунослар мис томонидан бир қатор китоблар яратилди.

Ўқинди «Университет» нашриётида яна бир китоб чоп этилди. «Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари» (муаллиф У.Абдуллоев) номи бу асар халқаро терроризмнинг келиб чи-

киши сабаблари, илди-лари, турлари, кўринишлари ҳужжатлар, аниқ далиллар асосида тарихий ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан чуқур таҳлил этилгани билан эътиборни тортади. Киритиб «Терроризмнинг пайдо бўлиши», «Замонавий терроризм глобаллашувининг ўзига хос хусусиятлари», «Халқаро терроризм ташкилотлари фаолиятининг таҳлили», «Терроризмнинг халқаро ва миллий хавфсизликка таҳдиди» каби қисмларида кўпчилик маълум бўлмаган манбалар, фикрлар, хулосалар билан танишасиз.

Шунингдек, терроризмга қарши курашишда Ўзбекистон фаол иштирок этаётгани тўғрисидаги мисоллар ва фикрлар китоб аҳамиятини янада оширади.

Ушбу китобни ўқиган ҳар бир киши терроризм ва унинг қонли тарихи, хавф-хатари тўғрисида янада кенг-роқ маълумотга эга бўлиши шубҳасиз.

ҚОРА ҚУТИ 30 кунда бузилади



1 июнь тунда Рио-де-Жанейро — Париж йўналиши бўйича парвоз қилаётган ва номаълум сабаб билан Атлантика океанига кулаган Франциянинг «Air France» авиаконанясига қарашли «A330» аэробуси қидируви кенг микёсда давом эттирилмоқда.

Қуни кеча оқандан 8 кишининг жасади топилди. Умумий топилганлар сони 24 тага етди. Улардан фақат 8 нафарининггина шах-

си аниқланди. Қолганларининг шахси эса экспертиза ва ДНК таҳлилларидан сўнг маълум бўлади.

Авиалайнер дум қисмининг стабилизатори топишган ҳудудда Франциянинг суверети кемаи аэробуснинг қолган парчалари ва қора қутини топиш илнини қидирув ишларини олиб бормоқда.

Мутахассисларнинг АГР АА га маълум қилишларича, қора қути денгиз остида 30 кунгача бузилаётган туриши мумкин. Шунинг учун ҳам қидирув ишлари қучайтирилган тартибда олиб бориламоқда.

ТЕКИН ТИББИЙ КЎРИК уч босқичда ўтказилади


Айни дамда москваликлар учун «Ўз юрагининг текшир» акцияси ташкил этирилмоқда. Ушбу Бутунроссия акцияси уч босқичда — 6 июндан 14

Текин тиббий кўрик иштирокчиси, шунингдек, қондаги холестерин моддаси миқдорини ҳам бир йўла текшириши мумкин.

«Ўз юрагининг текшир» акцияси 2,5 йилдан бери Россия бўйлаб давом этади. Шу давр ичида бу акция мамлакатнинг 18 та ҳудудида ўтказилди. Унда 400 миңдан ортиқ одам тиббий текширувдан ўтди.

Бугунги кунда Россия юрак-қон-томир касалликлари даражаси бўйича Европа мамлакатлари ичида етакчи ўринда туради, яъни 40 миллиондан ортиқ одам инсульт ва инфаркта олиб келувчи артериал гипертензияга чалинган.

30 ёшдан ошган россияликларнинг 50 фоиздан ортиги қонда холистериин миқдори юқори экан. Статистик маълумотларга қара, умумий ўлимнинг 57 фоизи юрак-қон-томир касалликлари хуржидан юзага келмоқда. Ва бу кўрсаткич бўйича Россия биринчи ўриндадир. Бир йилда айнан шу касаллик туфайли 1 миллион 300 миң киши ҳаётдан кўз юммоқда.



Бакулева номидаги юрак-қон-томир жароҳлиги илмий текшириш марказидан олинган манбаларга асосланиб ИТАР-ТАСС

хабар беришича, кўриқдан ўтганларга кардиограмма ўқшаш текширув натижалари ва уч ўлчовли юрак сурати берилди. Соғлом юрак сурати яшил-мовий рангда бўлади, юракдаги касаллик аломатлари даражасига қараб ранг сариқ ва қизилга айланади. Кимнингки юраги сурати қизил рангда қоғозга чиқса, унда касаллик хавфи жиддий тус олинган бўлади. Демак, у даволаниши лозим.

БИОМЕТРИК МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ келгуси йилдан бошланади



2010 йилдан эътиборан Америка ҳудудини тарқатаётган хорижий фуқаролардан денгиз портларида, аэропортларда ва куруқликдаги чегара постларида бармоқ излари олиш ва суратга тушириш каби биометрик маълумотлар йиғиш т а д б и р а м а л и ё т т а ж о р и й этилади.

АҚШ Ички хавфсизлик вазирининг виза дастури (US Visit) директор Роберт Мок-

сини хорижий журналистлар учун уюштирилган брифингга бу ҳақда маълум қилди.

Шу пайтгача Америка ҳудудидаги кирувчи хорижий фуқаролардан биометрик маълумотлар олинадир. Бундай тадбир 2004 йили Буш маъмурияти даврида чегара назоратини қучайтириш учун амалга жорий этилган.

Дарвоқе, қяқндан бошлаб тажриба тариқасида Жоржия штатининг Атланта ва Мичиган штатининг Детройт аэропортларида бармоқ изларини олиш ишлари йўлга қўйилди. Бу синов 30 кун давом этади. Сўнг маълумотлар таҳлил қилинади ва унинг натижаларига қараб бошқа чегара назорат пунктларида ҳам бундай тадбир амалга киритилади.

Муҳтарам юртдошлар!

Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат

ХАЛҚ БАНКИ

БАНКНИНГ МАҚСАДЛИ ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ, ТИРАЖЛИ ЛОТЕРЕЯСИНИ СОТУВГА ЧИҚАРДИ

Халқ банкнинг мақсадли пул-буюм ютуқли, тиражли лотереяси ютуқ фонди лотерея умумий миқдорининг 70 фоизини ташкил этади.

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТИ БАҲОСИ 1000 СЎМ

2009 йил охиригача 4 та ютуқлар тиражи ўтказилиб, ҳар бир ютуқлар тиражида Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган турли русумли, жами 18 та автомобиль, 100 та мебель тўплами, 80 та музлаткич, турли русумдаги 100 та кондиционер, 160 та телевизор, 142 та кир ювиш машиналари, 80 та DVD плеер, 480 та турли хилдаги гиламлар, 160 та велосипед, 11300 дан ортиқ уй-руҳгор буюмлари, шунингдек, 278600 та пул ютуқлари, жами 291200 та пул ва буюм ютуқлари ўйналади.

Лотереянинг биринчи чиқарилиши бўйича ютуқлар тиражи 2009 йилнинг 20 июлида Тошкент шаҳрида ўтказилади. Лотерея билетларини харид қилинг ва республика товар ишлаб чиқарувчиларни қўллаш билан бир қаторда, ютуқ соҳиби бўлиб, оилангизга шодлик улашинг!

ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!

Мувожаат учун тел: 150-12-91
Хизматлар лицензияланган. Лиц №25. 25.01.2003.

Қинғир иш — келтирар ташвиш

Узоққа боришолмади

Департаментнинг Китоб туман бўлими билан туман ИИБ ходимлари ҳамкорликда ўтказган тадбирда «Яккатут» кишлоғида яшовчи фуқаро Ж.Раҳмонов ўз уйида пахтадан чигит ажратиб олувчи ускуна ўрнатгани маълум бўлди. Шунингдек, у электр қувватидан ҳам ноқонуний фойдаланиб келган. Унинг хонадонидан 120 кг. пахта толаси, 17 кг. пахта хомашеси, 200 кг. чигит ҳамда бошқа асбоб-ускуналар ашёвий далил сифатида олинди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукми билан жазо тайинланди. Камашилик фуқаро

ХУФИЯ ЦЕХ ВА ПОРАХЎРЛИК ОҚИБАТИ

Ф.Шеркулов ҳам қинғир ишга қўл урганлардан бири. У «Қамаши пахта тозалаш» хиссадорлик жамияти мансабдорлари ҳимийлигида заводнинг юқори кучли ишлатилган электр тармоғига улашиб, ўз уйида яширин ҳақ ташкил қилган. Лекин орадан кўп ўтмай бу «тадбиркор»нинг ҳам сири фож этилди. Унинг уйдан 11,3 тонна ёғ, 1 тонна пахта толаси ва чигит, 10 ва 3 тонналик цистерналар, жувоз ускуналари, темир йўлда ҳақ ташкиланишга мослаштирилган вагонетка-арава-лар топилди.

«Матиз» учун «шапка»

Хизмат мавқеидан фойдаланиб таъмағирлик қилиш — ёмон иллат. Афсуски, шундай кимсалар орамизда учраб туради.

Бошқарма ходимларининг виллят прокуратураси ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган тадбири натижасида бундай кимсалар «фаолиятига» чек қўйилди.

Қаҳқаҳаре «Автотех-хизмат» ОАЖ автосалон бошлиғи Х. Турдиев фуқаро А.Ибрагимовдан «Матиз» русумли автома-

шинани наватсиз олиб бераман, дея 1500 АҚШ долларини пара сифатида олаётганига ушланди. Тадбир давомида автосалон бошлиғи хизмат хонаси ва салон кўздан кечирилиб, 2 та елим халтага жойланган 168 миң 150 АҚШ доллари ва 7252,0 миң сўм олиб қўйилди. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукми билан жазо тайинланди.

Мувожаат туман молия бўлими бош хисобчиси вазирасини бажарувчи А.Эшқувватов хизмат мавқеидан фойдаланиб, фуқаро У.Қаландаров томонидан ташкил этилган «Мувожаттранс» МЧЖнинг солиқ тўлов-

ларидан ортиқча тўланган 2,1 млн. сўминини жамият ҳисоб рақамига қайтариб ўтказиб бериш эвазига етмиш миң сўминини пара сифатида олган.

Қонунга белбанд қараб, ноқонуний иш юрийтиш, ўз хизмат вазирасидан фарз мақсадада фойдаланишнинг оқибати ҳеч қачон хайрли тугамаган.

Бобир ХОЛМУҲАДЕВ, Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛК Департаменти Қашқадар вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

«MUNICIPAL AUCTION MARKAZI» MCHJ

OCHIQ AUKSION SAVDOLARIGA TAKLIF ETADI

8. 1990 yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10 AE 390 bo'lgan "ZIL 441510" rusumli avtotransport(sed.tyagach), boshlang'ich narhi 6 000 000 so'm. Zakalat 1 200 000 so'm.

Auktsion savdosi 2009 yil 14 iyul kuni coat 15-00da boshlanadi. Sotilmagan obektlar 2009 yilning har seshanba kunlari o'tkaziladigan savdolarga sotilgunga qadar qo'yiladi.

Savdolarda qatnashish uchun yuqorida ko'rsatilgan miqdordagi zakalat puli "Munitsipal auktsion markazi" MCHJ ning AIBK IpaK Yo'li dagi MFO 00444, STIR 300053338, 2020800010455550502 sonli hisob raqamiga o'tatilgan tartibda to'lanadi.

Buyurtma qabul qilish savdo kunidan bir kun avval to'xtatiladi. Savdo o'olibiga savdo kunidan boshlab yigirma kun muddat ichida oldi-sotdi shartnomasini imzolash, shartnomha tuzilgunga qadar to'langan zakalat miqdori, sotib olish to'lovi miqdorigina 15 foizidan kamini tashkil etgan taqdirida yetishmayotgan summamni to'lab berish shartlari yuklatiladi.

Manzil: Toshkent shahri, Shayhontoxur tumani, M-14, 19-uy.
Aloqa telefoni: 244-88-03, 244-88-04.
Elektron pochta: auktsion@bk.ru

Guvohнома: № 001568 — 09

Тoшкент вилoят Хўжалик судининг 01.06.2009 йилдаги 110906/7961-сонли Ажримига асосан Чирчиқ шаҳар, Кангли кўчаси, 16-а уй манзилида жойлашган «Нагакат-плюс» кичик корхонасини (СТИР ИНН 202328826) банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза иш юрийтиш учун қабул қилиниб, унга нисбатан мувожаат бошқарув жорий этилган. Муваққат бошқарувчи этиб Мамаюсупов Т.Ж. тайинланган. Барча кредиторларнинг талаблари билан мувожаат этишлари сўралади.

Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 07.07.2009 йил соат 11.00 да, Чирчиқ шаҳар, Кангли кўчаси, 16-а уй манзилида бўлиб ўтиши белгиланган. Барча кредиторлар ишончли вакилларининг йиғилишида қатнашишлари сўралади.

